

ЭПИК СЮЖЕТ ВА УНИНГ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЭПОСИ ВЕРСИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ

Дилшод Ҳамдамович ҲАМРОЕВ

катта ўқитувчи

Қарши давлат университети

Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада эпик сюжет сифатида кенг тарқалган достонларнинг достончилик мактаблари доирасида ижро этилиши, “Таркибадахшон” достонининг “Гўрўғли” туркуми ўзбек миллий эпоси версиясида тутган ўрни, версияга хос умумий ва фарқли хусусиятлари илмий-назарий асосда тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: версия, сюжет, композиция, вариант, образ, мотив, достончилик мактаблари, анъанавийлик.

ЭПИЧЕСКИЙ СЮЖЕТ И ЕГО РОЛЬ В ВЕРСИИ УЗБЕКСКОГО НАЦИОНАЛЬНОГО ЭПОА

Дилшод Ҳамдамович ҲАМРОЕВ

старший преподаватель

Каршинский государственный университет

Карши, Узбекистан

Аннотация

В настоящей статье на научно-теоретической основе анализируется исполнение широко распространенных дастанов в качестве эпического сюжета в рамках школы дастанства, роль дастана “Таркибадахшон” в версии узбекского национального эпоса “Гуроглы”, общие и отличительные свойства версии.

Ключевые слова: версия, сюжет, композиция, вариант, образ, мотив, школа дастанства, традиционность.

“Гўрўғли” туркум достонлари сюжет қамрови, образлар таркиби, ғоявий-бадиий ўзига хослиги билан алоҳидаликка эга бўлиб, “Таркибадахшон” [7] туркумликнинг ишқий-романик турига мансубдир. Достонда Авазхоннинг Таркибадахшондан Гулрухсорни излаб, Гўрўғлига келтириб бериши ва бу йўлда турли-туман саргузашт ҳамда зиддиятларга дуч келиш воқеалари тасвирланади. Сюжет мустақил, воқеалар тизимли асосда давом этади. “Гўрўғли” эпоси намуналарида бўлгани каби ушбу достонда ҳам Авазхоннинг ўзга юрга эпик маликани излаб олиб келиш воқеалари бадиий мукаммал тарзда тасвирланиб боради.

Достон воқеаларининг изчил кечиши, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати, конфликт, муносабатлар, умуман, эпик ижронинг узвийлиги, анъанавий воқеликнинг давомийлигини белгилашда сюжет муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки достондаги бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда кечадиган воқеалар тизими ва қаҳрамон хатти-ҳаракати баҳшининг ижро этиш маҳоратини ҳам кўрсатади. “Таркибадахшон” достони сюжетини ўрганиш бир томондан, “Гўрўғли” туркуми достонларига хос анъанавийлик, иккинчи томондан, достон сюжетига хос архаик, классик ва постклассик муносабатлардаги умумий жиҳатларни, учинчидан, сюжетнинг шаклланиши ва ривожланишидаги типологик ҳамда эволюцион жараёнларни, тўртинчидан, анъана ва бадиий маҳорат, қолаверса, достончилик мактаблари ижро услуби ва баҳшининг индивидуал ижодий ёндашув масалаларини таҳлил қилишда муҳим манба вазифасини ўтайди. Достон сюжети “Гўрўғли” туркуми доирасида давом этади. Унда тасвирланишича Гўрўғли, Юнус ва Мисқол парилар эпик юрт Чамбилда давру давронини суриб яшайдилар. Сюжет ва композицион яхлитлиги, мотив ва образлар таркиби, ғоявий-бадиий хусусиятлари билан мустақил достон сифатида алоҳида ажралиб турса-да, унинг “Гўрўғли” эпоси ўзбек миллий версиясида тутган ўрни масаласини назарий жиҳатдан асослаш лозимдек ҳисобланади. Сюжетга хос умумўҳашашлик Булунғур достончилик мактаби баҳшилари репертуаридан ёзиган “Малика айёр” достони варианти воқеалари билан алоқадорликда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам академик Т.Мирзаев ушбу ҳолатга муносабат билдириб қуидагиларни таъкидлайди: “”Таркибадахшон” достони “Малика айёр”нинг бир вариантими ёки мустақил достон? Буни энди янги тадқиқотлар ҳал этади” [3;94]. Ушбу фикр ҳар икки достон сюжетига хос воқеалар бир вариантнинг янгича талқинда ижро этилганими ёхуд алоҳида алоҳида намуналарими деган мулоҳазага олиб келади. Вариант достоннинг эпик анъана доирасида юзага келган, бир-бирини инкор этмасдан жонли оғзаки ижрода яшайдиган, ўзаро фарқланувчи нусхалариdir. Версия моҳиятан бирмунча кенг ҳодиса бўлиб, бирор бир асарнинг турли талқинларда,

композицион қурилишда, баъзан қаҳрамонларнинг ўзгача номланишида келувчи ягона сюжет ва жанр доирасидаги намуналарини ўз ичига олади [4].

“Малика айёр” [2] ва “Таркибадахшон” достонларининг яратилиши, генезиси бир хил сюжетга боғланса-да, уларнинг достончилик ва бахшишоирлар мансуб макон ва замон билан боғлиқ ижодий жараёндаги анъаналар доирасида ижро этилиши катта фарқли томонларга олиб келади. Келиб чиқиши бир бўлган сюжет янги ижро шароитида мослашиб, турлича ривожланишда давом этади. Натижада сюжетлар орасида фарқлар юзага келиб, достончилик мактаблари ижро усулига мослашади ва ўша достончилик анъаналари доирасида вариантлашади ҳамда янги бир версиянинг вужудга келишини таъминлайди. Бу каби хусусиятлар достон матнларидаги қаҳрамонлар билан боғлиқ эпик мотивларнинг умумсюжет воқеаларидаги фарқловчи воситалар, сюжет композициясидаги умумий ва хусусий жиҳатларни қиёсий таҳлилга тортиш асосида аниқлашади. Биринчидан, “Малика айёр” ва “Таркибадахшон” достонларидаги эпик қаҳрамон ҳаракати билан боғлиқ эпик мотивларнинг умумсюжет воқеалари ўртасидаги фарқловчи томонлари мавжуд. Албатта, мотив сюжет учун муҳим ҳалқа вазифасини бажариб, достон воқеалари бевосита мотивлар кесимида шаклланади. А.Н.Веселовский эпик асарлар сюжети мустақил ва барқарор мотивлардан ташкил топишини таъкидлаб, мотивнинг барқарор белгиси бир аъзоли образли тузилишга эгалиги ва бошқа майда қисмларга бўлинмаслигига ургу берса [1;306], Б.Н.Путиловнинг аниқлашича мотивга хос белгиловчи хусусият: вазиятлар, воқеалар ёки ҳолатлар учун қўллашга тайёр барқарор формулавий шаклга эгалигидир. Олим эпосдаги мотивларнинг сюжет яратилишидаги уч хил кўриниши мавжуд эканлигини таъкидлаб, уларни вазият, нутқ ва ҳаракат мотивларидан иборат эканлиги, ҳар бир мотив эпоснинг анъанавий мазмуни эканлиги, сюжет мазмунининг барча қисмини қамраб олишини таъкидлайди [6;137]. Икки достон сюжетига хос томонларнинг фарқли жиҳати ҳам дастлаб мотивлар, уларнинг қаҳрамон ҳаракати билан боғлиқ жараёнлардаги тасвирланишида сезилади.

“Сюжет таркибидаги ҳар қандай ўзгариш, у хоҳ вариантилилек, хоҳ версиялилек доирасида бўлсин, фақат мотивлар ўзгариши орқали юз беради” [5;34]. Достон вариантиларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, сюжет линиясида эпик қаҳрамон характери ва хатти-харакати шартланганлик категорияси асосида давом этади. Шу боис ҳам икки достон сюжетининг шаклланиши ва давомийлигида қаҳрамон харакати билан боғлиқ жарён дастлаб бадиий шартлилек асосида юзага келса, иккинчидан, тасодифийлик қонунияти кесимида давом этади. Масалан, “Малика айёр” достонида эпик тугун Гўрўғлининг тасодифий ҳолатда Зебит чўлда Шакар кўлга ов қилиш учун бориши, у ерда қўрғон пайдо бўлиб, кабутар қиёфасида бир парининг пайдо бўлиши воқеаси сюжетининг кейинги воқеаларининг тезлашишини кучайтиради. Эпик қаҳрамон харакати билан боғлиқ ҳолатлар Авазхон образининг кириб келиши ва иккинчи бир мотивнинг юзага келиши, яъни сафар учун замин яратади. “Ана шунда Паризод Гўрўғлидан бу сўзни эшитиб, ўсган элини, соғу сўлини, шаън-шавкатини, манзил-жойини Гўрўғлига баён бериб, бир сўз деб турибди:

... Мен келганман одамзоднинг қастидан,
Изласанг, топмайсан ернинг устидан,
Бир мазгилим кун чиқмаган “гўристон”,
Мени сўрсанг, “гўристон”дан бўламан”[2;8].

“Таркибадахшон” достонида ушбу тасвир Гўрўғли туши орқали намоён бўлади. Эпик қаҳрамон тушида:

... Кун чиқардан туққан ойни кўрдимда,
Кун ботардан яна бир ой кўрибман [2;10],

декя париларга мурожаат қиласи. Тушда кечган қун ботардаги “ой” Мисқол парининг таъбири асосида изоҳланади.

... Кун ботарга олиб кетди Оқдевишоҳ,
У парини Таркибадахшон элига [2;11].

Достонлар сюжети билан боғлиқ иккинчи фарқли хусусият эпик қаҳрамоннинг сафарга чиқиши тасвирида кўзга ташланади. Гарчи сафарга

чиқиши барча қаҳрамонлик ва романик достонлар учун бадий шартлилилк элементларидан бири бўлиб, унда сюжет учун муҳим бўлган, қолаверса, эпос қонуниятига мос тарзда қаҳрамон синовдан ўтади ва ғоявий мақсадни амалга ошириш учун халқчил ифодаларда тасвиранади. Романик достонлар учун хосланган сафар мотиви қаҳрамонни турли хатар ва тўсиқларга дуч қилиши, эпик ҳомий ва кўмакчи образлар ёрдамида вазиятдан чиқиб, ғайрати ва ақли билан ўз олдига қўйган мақсадига эришади. Қаҳрамоннинг сафарга чиқиши бу Авазхоннинг Гўрӯғли олдидаги хизматини бажаришга яна бир имкон ҳозирлайди. Юқорида тилга олинган достонларда Авазхон мана шундай эпик қонуниятни бажаришга киришар экан, ҳар икки сюжет воқеалари достончилик анъаналари кесимида тасвиранади. Бу ҳолат эпик жараёндаги сюжеттага янгича шакл бериш эмас, балки достончилик мактаблари доирасида шаклланган ва эпик анъана қамрови доирасида мукаммаллашган ижро билан боғланади. “Малика айёр” достонида Авазхоннинг сафар чиқиши, сафар жараёнидаги хатти-ҳаракати, турли тўсиқларга дуч келиши, курашлари тасвири Фозил шоир маҳорати асосида бадийлаштирилган бўлса-да, “Таркибадахшон” достонидаги Авазхон сафаридан фарқланади.

Достонлар матнидаги ушбу тасвирни қиёсий таҳлилга тортиш уларнинг ўзаро фарқли томонлари мавжудлигини кўрсатиш билан бир қаторда икки достончилик мактаби бахшилари ижро репертуарида оммалашган, қатъийлашган сюжетнинг мустақил версиясини ташкил этишини ифодалайди. Чунки сюжет бахши хотира асосини ташкил этиб, ижро жараёнида яхлит бир кўринишга келган, анъанавийлашган ва оммалашган ижодий жараёндир. Бу ҳолат эса сюжетларнинг жамоавий характерга эга бўлиши, кенг тарқалиши ҳамда бахшиларнинг ижодий муносабати асосида эпик воқеликнинг мустақил ривожланиши ҳамда алоҳида версия доирасида яшаш ҳуқуқини беради. Шунинг учун ҳам сюжетлар мустақил достончилик анъаналари доирасида оммалашиб, вариантлашишини таъмин этган. Мисол учун “Малика айёр” достони сюжетида Маликанинг кўшкда кабутар қиёфасига кириб, жўнаб кетиши эпик қаҳрамон Гўрӯғлининг хафа бўлиб, чиллахонага кириши, Аҳмад

сардорнинг йигитларига “мени гиламга солинглар, барбод қилиб, Гўрўғлининг тахтига миндиринглар” [2;10], деган фикрини эшитган Авазхоннинг Гўрўғли султонга илтижо қилиб, ўз юргига эгалик қилишини, маликани олиб келиш учун Торкистон юргига боришини айтиши ва йўлга отланиш эпизодларида давом этади. Маълумки, йўл хронотоп шакли сифатида сафар мотиви учун муҳим эпик тасвир бўлиб, унда қаҳрамон билан боғлиқ турли воқеаларнинг шиддатли тарзда давомийлигини юзага чиқаради. Сюжет линиясига қаҳрамонни синовдан ўтказишнинг рамзий ифодаси, ғоявий мақсад сифатида тасвирга олинган анъанавий қолип ва эпик шаклларнинг достончилик мактаби услубида рўёбга чиқиши ҳамда бахши услубининг индивидуаллигини кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади.

Аҳмад сардор бошчилигидаги Асад ва Шодмонларнинг Авазхонни йўқотиши мақсадида Полопон тоғида кўрсатган қаршиликлари, Дарбанд тоғнинг ёнидаги Бадбаҳт чўлда Мақотил ва душман лашкарлари билан кураши, ғорда Япроқ дев бошчилигидаги девлар билан учрашуви, Япроқ девнинг қаҳрамонга ёрдами, Боймоқ, Қизил девлар, Гулқиз, Шоқаландар ва Шозаргар, Қосимшоҳ, Оқдевшоҳ, Хадича, Тиллақиз, шаҳзода Маҳмуд каби эпик образлар мавжудки, буларнинг барчаси Авазхон қаҳрамонлиги, унинг мақсади йўлида у ёки бу маънода таъсир кўрсатади. Сюжет ва композицияда умумий ва хусусий жиҳатларнинг мавжудлиги ҳам достон вариантларида фарқлийликни юзага келтиради. Мисол учун Маликанинг шарт кўйиши, сайлбоғ тасвирлари, унда Авазхоннинг Малика билан учрашув тасвирлари, девлар билан курашиши ва Шоқаландар, Шозаргар, Маҳмуд, Авазхон, Малика, Тиллақиз, Гулқизойларнинг бир-бири билан топишиб хайрлашуви, воқеалар якунида Шоқаландар ва Гўрўғли, Авазхон ва Малика Чамбил юргига қайтиш жараёнида Асад ва Шодмон мерганларнинг Авазхонга душманона рўпара келиш тасвирлари мавжуд. Мана шу жараён Шоқаландарнинг қаландар қиёфасига кириб, ўғли Авазхонни Маликани олиб келиш мақсадида ҳимоя қилиши билан боғлиқ ўринлар рамзий маънода очиқланади. Достон анъанавий хотима билан якун топади. “Таркибадаҳшон” достони сюжети ва композицион

тузилиши умумийлик нүктаи назаридан ўхшашликка эга бўлса-да, хусусийлик ва индивидуаллик жиҳатидан фарқланади. Биринчидан, Малика – Гулрухсор сюжетда ўзини таништириш орқали эмас, балки Гўрўғли туши орқали Оқдевшоҳ томонидан олиб кетилганлиги тасвирланади. Иккинчидан, “Авазхон” туркуми достонларида бўлгани каби Гўрўғли хизмат сафарига йигитларини “шароб”ни узатиш орқали жўнатмоқда. Учинчидан, достондаги кўпгина образлар мавжудки, улар анъанавий тарзда қайтарилимасдан, баъзилари мустақил образ сифатида иштирок этади. “Таркибадахшон” достонида Гўрўғли, Соқибулбул, Мисқол ва Юнус парилар, Аҳмад сардор, Асад ва Шодмон, Ғирот, Гулрухсор каби образлар билан бир қаторда Юсуфбек, Қаҳҳорхон, Хинсилашоҳи Жижибек, Қандахорхон, Машар ва Башар жодугарлар, Гулсанам, Гулнор, Зулфизар, Ҳабсар дев ва бошқа образларнинг қаҳрамон хатти-ҳаракати ва руҳий вазиятини ифодалашда, қолаверса, воқеаларнинг ғоявий мақсад сари шиддатли, кескин тус олишида хизмат қиласди. Бу эса Авазхон мақсади учун сюжетда турли мураккабликларни олиб келади ҳамда “Малика айёр” достони воқеаларига нисбатан мураккаб ва эпик қаҳрамоннинг турли-туман зиддиятли курашлари билан чамбарчас боғлиқликда давом этади. Эпик маконга бориш йўли, у ердан париларни топиш ва қаҳрамон томонидан олиб қайтилиш эпизодида бир-бирига ўхшамас воқеалар тасвирланади.

“Таркибадахшон”да ушбу ҳолат Набот жодугарнинг Авазхонга қўлдан тилла шоҳли кийикни ўлдириш топшириғи асосида амалга оширилади. “...Ҳамма жонзод сув ичиб бўлгандан сўнг, ҳамма ёқ тинчигандан сўнг, кўлнинг кун ботар бетидан чала туш бўлганда бир тилла шоҳли кийик келади. Ниҳоятда сезгир, эҳтиёт бўлгин, болам, саҳал шарпани сезса, орқасига қайтиб кетади, сезмаса келиб сув ичади. Шу маҳал отсанг шу кийик ўлса, шу қўлдан бир кичкинагина қўл сандиқча сувнинг бетига қалқиб чиқади. Шу сандиқчани олиб келсанг ишинг ўнгидан келади, бўлмаса ҳозирча сенга бир нарса дейиш қийин болам, – деди” [2;241]. Сандиқ ичидаги қуртлар етти девнинг жони бўлиб, кампир уларни озод этгач Оқсоқ дев Авазхонга Таркибадахшон

кўлнинг остида эканлигини айтади. Достонда Таркибадаҳшондан Гулрухсорни олиб қайтишда Оқдевшоҳ билан олиб борилган кураш, воқеаларнинг кейинги жараёнда турли-туман асосда ривожланиши, достон хотимасида Авазхоннинг Гулрухсорни Гўрўғлига келтириб бериши билан якун топади. Достон вариантларида бу каби фарқли жиҳатлар эпик деталь, тил хусусиятлари, эпик формулалар борасида ҳам кўзга ташланади. Шулардан келиб чиқкан ҳолда таъкидлаш жоизки, “Малика айёр” ва “Таркибадаҳшон” достонлари икки достончилик мактаби бахшилари репертуарида ижро этилган эпос намунаси сифатида эпик сюжетнинг вариантлари эмас, балки ҳар бири алоҳида версия ичидаги ўрганилиши лозим бўлган достонлардир. Бу каби хусусиятларни ҳар бир достонга хос сюжетларни қиёсий ўрганиш асосида янада очиқлаш мумкин.

Умуман олганда, “Таркибадаҳшон” достони “Гўрўғли” туркуми ўзбек миллий эпосида алоҳида версия бўлиб, оғзаки ижод хусусиятларидан келиб чиқиб, Шеробод достончилик мактабида ижро этилган. Унинг вариантларини ёзиб олиш, қиёслаш ишларини умумўзбек ва жаҳон эпосшунослиги назарий қарашлари контекстида ўрганиш ишларини йўлга қўйиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Веселовский А.Н. Поэтика сюжетов // Историческая поэтика. – Москва: Высшая школа, 1989. – 306 с.
2. Малика айёр. Достон. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. /Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. //Ёзиб оловчи Муҳаммадиса Эрназар ўғли. Нашрга тайёрловчилар Ҳоди Зариф ва Зубайдада Ҳусаинова. – Тошкент: Faafur Fulom, 1988. – 207 б.
3. Мирзаев Т. “Гўрўғли” туркуми достонларининг ўрганилиши, яратилиш даври ва дастлабки нашри ҳақида // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. VII-китоб. – Тошкент: Фан, 2018. – Б.85-135.
4. Мирзаев Т ва бошқ. Ўзбек фольклори: дарслик. – Тошкент: Тафаккур, 2020. – 208 б.

5. Мирзаева С. Ўзбек халқ романик достонлари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2004. – 34 б.
6. Путилов Б.Н. Героический эпос и действительность. – Ленинград: Наука, 1988. – 149 с.
7. Таркибадахшон. Достон. /Айтувчи Чори бахши Умиров. //Ёзиб олувчилар А.Қаҳхоров, А.Эргашев. Қўлёзма ҚарДУ Фольклор архиви. №Инв.34.